

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 107-ҳадис

107 – الثَّامِنُ: عَنْ أَبِي عَبْدِ اللَّهِ حُدَيْفَةَ بْنِ الْيَمَانِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ لَيْلَةٍ، فَافْتَتَحَ الْبَقْرَةَ، فَقُلْتُ: يَكْرَعُ عِنْدَ الْمِئَةِ، ثُمَّ مَضَى؛ فَقُلْتُ: يُصَلِّي بِهَا فِي كُرْعَةٍ، فَمَضَى؛ فَقُلْتُ: يَكْرَعُ بِهَا، ثُمَّ افْتَتَحَ النِّسَاءَ، فَقَرَأَهَا، ثُمَّ افْتَتَحَ آلَ عِمْرَانَ فَقَرَأَهَا، يَقْرَأُ مُتْرَسِّلاً، إِذَا مَرَّ بِآيَةٍ فِيهَا تَسْبِيحٌ سَبَّحَ، وَإِذَا مَرَّ بِسُؤَالٍ سَأَلَ، وَإِذَا مَرَّ بِتَعَوُّذٍ تَعَوَّذَ، ثُمَّ كَرَعَ فَجَعَلَ يَقُولُ: «سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَظِيمِ» فَكَانَ نُحُوءُهُ نَحُوءًا مِنْ قِيَامِهِ ثُمَّ قَالَ: «سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ، رَبَّنَا لَكَ الْحَمْدُ» ثُمَّ قَامَ قِيَامًا طَوِيلًا قَرِيبًا مِمَّا كَرَعَ، ثُمَّ سَجَدَ فَقَالَ: «سُبْحَانَ رَبِّيَ الْأَعْلَى» فَكَانَ سُجُودُهُ قَرِيبًا مِنْ قِيَامِهِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ. [772].

107. Абу Абдуллоҳ Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир кеча Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқидим. Бақарани бошладилар. Юз оятда рукуъ қилсалар керак, десам, ўтиб кетдилар. Уни бир рақъатга ўқисалар керак, десам, ўтиб кетдилар. Шу билан рукуъ қиладилар, десам, Нисони бошлаб, уни ўқидилар. Кейин Оли Имронни бошлаб, уни ўқидилар. Оҳиста ўқирдилар. Тасбеҳ бор оятдан ўтсалар, тасбеҳ айтар, сўров бор оятдан ўтсалар, сўрар, паноҳ тилаш бор оятдан ўтсалар, паноҳ тилар эдилар. Кейин рукуъ қилиб, «**Субҳаана роббиял-ъазим**», дея бошладилар. Рукуълари ҳам қиёмларича эди. Кейин «**Самияллоҳу лиман ҳамидах, роббанаа, лакал-ҳамд**» деб, сўнг деярли рукуъ қилганларича узоқ турдилар. Сўнгра сажда қилиб, «**Субҳаана роббиял-аълаа**», дедилар. Саждалари ҳам қиёмларига яқин эди».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Бу ҳадис қироат қилувчининг қироати тадаббур ва хушуъ билан бўлиши суннат эканига ва у Қуръон билан бирга яшаши, унга амал қилиши

лозимлигига далолат қилади. Қуръон ўқувчи мана шу нарсаларга ҳарис бўлиши лозимдир.

Бизнинг Ҳанафийя мазҳабимизда рукуъда «**Субҳаана роббиял-ъазим**», деб айтиш ва саждада «**Субҳаана роббиял-аълаа**», деб айтиш ҳамда рукуъдан турганда «**Самиъаллоҳу лиман ҳамидах, роббанаа, лакал-ҳамд**», деб айтиш мана шу ҳадисга биноандир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

«**Эй** (кийимларига) **ўралиб олган киши** (Муҳаммад!) * **Тунда** (бедор бўлиб, намозга) **туринг! Фақат озгина** (ухлашга вақт қолсин!) * (Яъни) **ярми** (қолсин) **ёки ярмидан ҳам биров камайтиринг!** * **Ёхуд унга** (бироз вақт) **қўшинг** (ярмидан кўпроғида ухланг) **ва Қуръонни тартил билан** (дона-дона қилиб) **тиловат қилинг!**» (Муззаммил сураси, 1-4 оятлари).

Аллоҳ таоло ушбу оятда аввал кечани қоим қилишга буюрмоқда. Сўнгра кечани қоим қилиш асносида тартил билан тиловат қилишга амр этмоқда.

Тартил билан ўқиш деб дадил, дона-дона, ҳар бир ҳарфнинг адосини бериб, ўз махражидан чиқариб ўқишга айтилади.

Бундай ўқиш Қуръонни тушуниш ва тадаббур қилишга ёрдам беради.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дона-дона ўқир эдилар.

Агар Қуръон тартил билан ўқилса, қалб ҳозир бўлиб, оятнинг маънолари, унинг ҳақиқатлари ҳамда ундан кўзланган асл мақсадлари тушунарли бўлади.

Қуръон тадаббур билан ўқилса, Аллоҳ таолонинг зикри келган оятларда қалб У Зотнинг улуғлигини ҳис қилади. Ваъда ва ваъиднинг зикри келган оятларда хавф ва ражони ҳосил қилади. Қиссалар ва зарбулмасаллар зикр қилинган оятларда эса ибратланиш ҳосил бўлади. Буларнинг натижасида қалб маърифат нури ила мунаввар бўлади.

Шошқалоқлик билан, тартилга риоя қилмай тез ўқилганда бу нарсалар ҳосил бўлмайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир ҳарфни аниқ-тиниқ, махражидан чиқариб ўқиганлар. Раҳмат ояларини ўқиганларида тўхтаб сўрардилар. Азоб оятларини ўқисалар, тўхтаб паноҳ тилардилар.

* Абдуллоҳ ибн Масъуд(розияллоҳу анҳу айтади: «Қуръонни худди шеър каби шошиб ўқиманглар. Сочилиб кетган хурмо каби сочиб ҳам

юборманглар. Ҳайратга соладиган жойларида тўхтаб, қалбингизларни ҳаракатга келтириб, уйғотинглар. Бирортангизнинг мақсади сурани охири бўлмасин. (Яъни малолланиб, суранинг тугадини кутиб, қачон тамом бўларкин, деб ўқиманглар.)

* Абу Жамрадан ривоят қилинади: Мен Ибн Аббос розияллоху анхуга: «Мен тез қироат қиламан, Қуръонни жуда тез ўқийман», дедим. Шунда Ибн Аббос розияллоху анхумо: «Мен учун Бақара сурасини тартил билан ўқимоғим Қуръоннинг ҳаммасини тезлаб ўқимоғимдан кўра яхшироқдир», деб жавоб берди. Байҳақий ривояти

* Баъзи салафлар айтган эканлар: «Англамай, қалбим унда бўлмай ўқилган бирорта оят учун савоб бор, деб ўйламайман».

* Усмон ибн Аффон розияллоху анху айтганлар: «Агар қалбларингиз пок бўлганда эди, Роббингизнинг каломига тўймаган бўлар эдингиз».

Манба: hadis.islom.uz

